




ТОНТ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 36 (65912)
1996 йил, 29 май, чоршанба

Сотувда
эркин нархда

Ватаним менгаю, мен унга керак

Ватан у қайдадир?
Ватаним қайда?
Юрагим заминдан,
Тафт олган жойда.
Ўзбекча куйласа
Дарё жаранги,
Атлас деб ўйласанг,
Камалак рангин,
Онам алласидан
Хапқирса юрак,
Бу она заминдир,
Ватан — Юрт демак.

Сабоси онамдек,
Бошим силаса,
Куёши отамдек
Меҳр тиласа,
Оғамдек тоғлари
Суяса таним,
Сўзи кўриқласа
Дуодек мени,
Остонам изимдан
Кўз тикса илҳақ,
Бу она заминдир,
Ватан — Уй демак.

Тиллақошим бўлса
Тоғлар безаги,
Пахтанинг расмини
Чизса кузаги,
Тарихи кўп минглаб
Йилга қадалса
Ўзбекнинг номидан
Номи аталса
Хумоси бахт дея
Билдирса тилак
Бу она заминдир
Ватан — Бахт демак.

Ватан у нимадир,
Қалбим сўроқлар?
Юрагим бойлаган,
Яқин-йироқлар
Ватан вужудимнинг
Туғилган жойи,
Ўлкамнинг куёши,
Юртимнинг ойи,
Ватаним жисмида
Мен ҳам бир бўлак
Ватаним менгаю,
Мен унга керак.

Сен истиқлолни кўрдингми? Унинг оғир одимларини эшитаяпсанми? Сезаяпсанми?

Мен истиқлол деганда кўз олдимга инсонни келтиргим келади. Чунки мавҳум нарсани тушунмоқ учун уни жонлантirmoқ зарур. «Наҳотки мен мавҳум бўлсам?» дейди Истиқлол. Мен қул-оёқларимдан олтин занжирларни ечдим. Лекин оғир занжирлардан ҳоли бўлган оёқларим бирданига манзилга етиб ололмапти. Шунинг учун ҳам мен баъзан ташвишга тушаман. Баъзан чуқур «уҳ» тортаман. Режалар тузаман, уларни амалга оширишга шошаман.

Истиқлолнинг занжирдан озод бўлган қўллари Асакада Узавто ДЭУ, Хоразмда Мерседес-Бенц қўшма корхоналарини қўрмоқда. У юзлаб элчихона ва консулхоналар очишга улгурди. Мингдан зиёд кичик, қўшма корхоналар ва фирмалар очди.


Мустақиллик ўзлигини англай бошлади. У ўз она тилигина давлат тили бўла олишини ва ҳеч қайси, ҳатто энг кўп тарқалган тил ҳам унинг урнини боса олмаслигини тушунди. Миллий гурур фақат сўздагина эмас, балки амалда ҳам бўлиши кераклигини, энг аввало инсон ўз қадрини билиши зарурлигини англади. Шунинг учун ҳам у ўзга юртларда қадрли, аммо ўз юртида қадр топмаган алломалар, Темур, Бобур ва бошқаларнинг муборақ номини оқлади ва уларга хос бўлган ҳурматни тиклади. Бу йил бобокалонимиз Амир Темур йили деб эълон қилинди.

Мустақиллигимиз мағрур ва ўзига ишонган. Тупрогидан зар унадиган, табиий бойликларга мўл юртимизни «қарздор» деб тўхмат тамга-

сини босишганда ҳам у жударанжиди. У мамлакатимизнинг нон юрти номини тиклаш учун дон мустақиллиги сари кураш бошлади, нефть мустақиллиги учун кураш ҳам авжига чиқди. Чунки донимиз ва нефтимиз чет элдан олти-

Ўзбекистон Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг Баёноти ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги муҳбири саволларига берилган жавоблари халқимизнинг хоҳиш-иродасини тўлиқ акс эттирди. Ахир, ҳақиқатдан озод-

топширдик», деган сўз. Биз ана шу воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлдик ва «бу бой бериш» бизга қанчалик қимматга тушганини кўрдик. Шунинг учун ҳам давримизнинг қадрига етишимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш учун



нимиз эвазига келтирилмоқда. Мустақиллик тўла қўлга киритилса ўша олтинлар халқнинг бошқа кундалик эҳтиёжига сарфланиши табиий. Қурилаётган корхоналар фойда бера бошласа ҳаётимиз янада яхшиланади, деб ишонимиз.

Ўзбек миллати қад ростлади. Уни жаҳон таниди. «Катта ака» лар занжирбанд қилган «кичик ини» сифатида эмас, балки мустақил давлат сифатида тан олишди.

Россия думасининг интеграция ҳақидаги қарори, унга

лик нашидасини сурган қўшгарчи олтиндан бўлса-да, қарасанг қайтиб кира олмайди! Тарих гилдираги орқага айланмайди!

Мустақиллик — ҳар бериимизнинг йигма сиймомиз. Ёшу қарининг, ишчи-зиёлининг, талабаю деҳқоннинг, уқувчиларнинг. Биз ҳаммамиз ўша мустақиллик сиймосида жамул-жаммиз. «Мустақилликни бой бердик», деган сўз эса «биз ўзимизни бой бердик, ўз тилимизни, ўз анъаналаримизни, ўз тарихимиз, ўз қадриятларимизни, ўз ҳуқуқимизни бировлар қўлига

қўлимиздан келганича ёрдам беришимиз, унга раҳна солувчиларга, яна мамлакатимизни хом ашё базаси сифатида қўришни қўмсаётганларга, бойлик орттириш манбаи бўлиб қолишини хоҳлаётганларга нисбатан эса доимо сергак туришимиз зарур!

Юқорида айтганимиздек, Россия думаси қарори жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилинди. Бундай фикр алмашувлар уқувчилар уртасида ҳам бўлиб ўтди. Газетамизнинг 2-саҳифасида Қибрайдаги 45-лицейда ўтган ана шундай йиғилишлардан бирини ҳавола қиламиз.



Махбуба АХМАДХҲАЕ-ВА: — Ватан — ҳар бир кишининг туғилиб ўсган юрти, уз уйидир. Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси она сuti ва меҳри билан бирга гудак қонига киради. Бу азиз туйғуни эса она алласи парвариш этади ва вояга етказди. Ватанга муҳаббат ҳар бир киши учун азиз ва муқаддасдир.

Истиқлолга эришганимиздан кейин жуда кўп ватандошларимиз мамлакатимизга қайтиб келишди. Уларни нима чорлади бу ўлкага, узини эндигина тиклаётган мамлакатга? Албатта бойлик эмас, пулға хирс эмас. Улар йиллаб мушток бўлиб, кутиб яшаган Ватан соғинчи эди бу чорлов. Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳаёти давомида тинч қуймаган ва армон бўлиб қолган Ватан ҳижронидир. Унинг ҳаёти ва ёзган асарларининг мазмунидан ҳалқнинг «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, уз юртингда гадо бўл» деган мақолни нақадар тўғри эканлигининг гувоҳи буламиз. Истиқлол бизга уз юртимизнинг шохлигини берди. Менимча, биз ана шу шохлик тожигамуносибимизми ёки йўқми шу ҳақда уйлаб қуришимиз керак. Ватанимиз бизга келажакимиз пойдеворини қурувчилар сифатида кўз тикиб турибди. Бу пойдевор бизнинг олган билимимизга, уз устимизда ишлашимизга боғлиқ. Биз нафақат узимиз учун, балки шу озодликни қўлга киритган Ватанимиз учун ҳам виждонан ўқишимиз, виждонан ишлашимиз зарурлигини ҳис қилишимиз керак. Ватанимиз — Ўзбекистон, Ватанимиз Тошкент вилояти, Ватанимиз Қибрай тумани, Ватанимиз — Учқўргонимиз, уз уйимиз, уз мактабимиз.

«Учқўргон» маҳалламиз ҳам жуда қадимий тарихга эга. Айтишларича, бу ерга унга ҳужалик ажралиб чиқиб ўзларига қўргон, қўралар қуриб, ерга ишлов бериб яшай бошлаганларидан сўнг бу ерларни «Учқўргон» деб аташган экан. Мен мана шу ки-

чик Ватаним — Учқўргонимиздан ҳам навоийлар, темурлар этишиб чиқишини истайман.

Гулчеҳра ХИДОЕВА: — Махбуба жуда тўғри гапирди. Аммо буюк инсонлар тўғрилиқ ва адолат қарор топган жойда кўпроқ этишади, деб уйлайман. Шу маънода Президентимизнинг маънавиятга эътибор беришлари, Республикамизда жиноятчиликка қарши кураш кучайганлигини ана шу аъналаримиз ва қадриятларимиз томон босилган бир қадам дейиш мумкин.

Бизнинг маҳаллада илгари шундай одат бўлган экан: кимки угирлик қилса уша угирлаган нарсасини бошига илиб,


уйлаш ва ўзгани эсдан чиқаришининг бирдан бир сабаби миллий қадриятларимизни, аъналаримизни эсдан чиқарганимиздандир. «Гуноҳ» ва «Савоб» тушунчалари кўз ўнгимизда гавдаланмаган. Жонланмаган. Бизнинг содда ва очикқўл халқимиз ҳаммани ҳам узидек пок ва тўғри деб тушунган. Ахир меҳмоннавоз халқимизнинг «Меҳмон отангдан улуг» деган нақли бор. Меҳмон останада ҳатласа, бор-будини, ҳатто йўғини ҳам дастурхонда ҳозир қилади. Ўзи, болалари емаган нарсани ҳам дастурхонга сочади.

Гавҳар АСОМОВА: — Шу тобда таниқли адиб Тоғай Муроднинг «Отандан қолган да-

ра олмади.

Ҳозирги кунда эзгу мақсадлар учун давлатимиз раҳбарияти ҳамма имкониятларни берган. Ишлаган, меҳнат қилган хор бўлмапти.

Гулнора ХИКМАТОВА: — Илгари бўладиган «пахта», «пила» компанияларини эслайман. Ака-опаларимиз янги йилгача пахта далаларида ётоқда қолиб кетишарди. Йўлда утиб кетаётган автобусларни тўхтатишиб, одамларни пахта далаларига ҳайдашар, лоақал бир этакдан тегиб чиқишга мажбур қилишарди. Чунки «юқори»ни бизнинг хом ашмиз қизиқтирарди. Яна бир воқеа. Бир куни дугона қўшнисининг



ради. Яқинда эса лицейимиз янги, янада кўркем бинога кўчиб ўтади. Биз Ватанимиз олдида узимизнинг нечоғли қарздор эканлигимизни кунда-кунга қаттиқроқ ҳис қилмоқдамиз. Бу қарз мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун биздан талаб қилинадиган ҳар томонлама баркамолликка интилишдир. Ахир, бу истиқлол учун озмунча қўрбонлар берилганми?

Нигора ҲОЖИЕВА: — Бобом Ҳожи Султон иккита сиғири бўлгани учун қўлоқ сифатида Сибирга жўнатилган эканлар. Бувимлар етти бола билан қолганлар. «Халқ душманининг хотини» сифатида ҳеч ким, ҳеч қаерда ишга олмаган. Шунда бувимга опалари ёрдамга келган, исми-шарифлари бошқа бўлгани учун Катта Фарғона каналини қазिशга кетган эканлар.

Бувим яна бир воқеани айтиб берганлар. Қишлоқларидаги Ҳикмат бобо деган киши қишлоқ ҳўжалигида мислсиз ютуқларга эришса ҳам унга «Меҳнат қаҳрамони» унвони беришмаган. Сабаби, унинг отаси ҳам «Халқ душмани» тамғаси билан кетган экан.

Энди ҳақиқат юзага чиқиб уша «душман»лар ҳақиқий халқ қаҳрамонлари эканлиги маълум бўлиб қолди. Улар жонини қўрбон қилган истиқлол бизга насиб этган экан, демак биз уни бой бермаслик учун курашишимиз, Ватанимизни кўз қорачигидай асрашимиз, уни ҳар турли игво, бўҳтонлардан авайлашимиз керак.

Давра суҳбатини филология фанлари номзодаи Кавсар ТУРДИЕВА уюштирди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мана, тенгдошларингиз, лицей талабаларининг Ватан ҳақидаги уз фикр-мулоҳазаларини ўқидингиз. Айтингчи, сиз билим олаётган, ҳунар урганаётган, ижод қилаётган даргоҳингизда Ватан, Ўтқод, Иймон, Халқпарварлик мавзусида суҳбатлар, баҳс-мунозаралар ўтказиб турилади-ми? Агар шундай бўлса бизни ҳам хабардор қилинг.

Ватаним менгаю, мен унга кўраю

қўлларини боғлаб кўчада айлантиришаркан. Бу одам эса атрофдагиларнинг нафратига сазовор бўлган. Ҳамманинг кўз ўнгига ўтадиган бу жазо унча жисмоний қийноқ бермаса ҳам бошқалар учун эсда қоларли сабоқ бўлган. Атрофдагиларнинг маломатли қарашлари ва жирканишларини кўз олдига келтирган одамлар бундай ишлар қилишмаган. Эшиклар қўлфланмаган, чунки инсонлар бировнинг ҳақи-га хиёнат қилмаган. Биз адабиёт дарсида Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарини муҳокама қилиш учун ўқиб чиқдик. Шу китобда мен бир ривоятни ўқиб ҳайрон қолдим. Темур даврида угирлик деган нарсаси унутилган экан. Бир бола бошига бир товоқ олтин қўйиб мамлакатнинг кунчиқар чегарасидан пиёда юриб, кунботардаги чегарасига етгунча йигит ёшига етганкану, аммо товоқдаги олтинга биров тегмас экан.

Собиқ СССР даврида, менимча, ана шу қадриятлар топталиши билан бирга жиноятчилик, бировнинг ҳақи-га хиёнат қилиш, фақат узини

лалар» асари эсимга тушиб кетди. Унда шундай эпизод бор. Раис Деҳқонқўлникига меҳмон келишини айтади. Аранг пул топиб уша меҳмонлар учун хурмо олган ота, мевани олиб қочаётган ўғлининг қўлидан тортиб олади. Бола кечаси билан алаҳсираб чиқади. Ёзувчи Деҳқонқўл образи орқали ўзбек халқининг дарди, ташвишлари, тарихи ва тақдирини намойиш қилади. Ахир мамлакатимизда шундай соф виждонли кишилар қанча? Улар маълум даражада муста-бид тузумнинг қўрбони бўлдилар. Деҳқон қачон экиш, чеканка қилиш, муҳлати, қаерга нима экиши тепадан буйруқ билан келар эди. Бу буйруқ меҳнаткашлар қалбидаги галаёни бостириб кетар, уларга оғиз очиш учун имконият бермас эди. Ёнг ёмони — меҳнат қадрланмас эди.

Ватани учун қўйиб-пишиб меҳнат қиладиган инсонлар маҳалламизда ҳам жуда кўп эди. Шундайлардан бири маҳалламизда ҳаммом қурилиши учун жуда кўп ҳаракат қилди. Лекин афсуски тирик-лигида бу орзуни амалга оши-

ипак қўрғи боқиш имконияти йўқлигидан уларникига қўчиб кирганини сўзлаб берди. Бечора аёл икки боласи билан бир неча кун дугонамаикида тунашга мажбур бўлибди.

Наҳотки бизни яна уша даврларга қайтаришни Россия думасидагилар хомхаёл қилишаётган бўлса?!

Бувимнинг айтишларича, илгари ахлат билан пўчоқни аралаштириш гуноҳ ҳисобланган. Ҳозир эса чиқинди-хоналардаги нон булакларини кўриб ажабланасан. Илгари одамлар ариқлардан сув ичган. «Бир ҳовуч она ер тупроғи олтиндан қиммат» дейди халқимиз.

Дилбар БОБОНАЗАРОВА: — Лицейимиз ўқувчилари бир неча мутахассисликлар бўйича таълим олишмоқда. Ҳуқуқшунослик, шарқшунослик, қишлоқ ҳўжалиги, педагоглар гуруҳи, катталар ва болалар шифокори гуруҳи мавжуд бўлиб, уз мутахассислигига оид олийгоҳда ўқитувчиларидан таълим олоқда. Бу эса бизнинг ўқиш шароитларимизга ҳукуматимизнинг қайғураётганидан далолат бе-



БИЗНИНГ «ТОМОША»

— «Томоша» фольклор театр - студиясини тузинишгизга нима сабаб бўлганини билиш бизни қизиқтиради.

— 1973 йилда консерваторияни тугатганимдан сўнг театр ва рассомлик санъати институтида ишладим. Ушша вақтда менда бир фикр пайдо бўлди. Уқувчилар бу ерда билим олишга 18-20 ёшларида келишди. Шундан кейин сахна нутқи, фольклор, ашула, рақс санъатини ургана бошладим. Менимча бу жуда кеч. Ахир буларнинг ҳаммасини уша, мактаб партасида утирган дастлабки пайтларда ургансалар фойдали бўлмайми? деган уй менга тинчлик бермади. Шу ниятда Юнусободдаги 26-музыка мактабига утиб ишлай бошладим. «Фольклорни урганиш гуруҳи очамиз, истаган болалар аъзо бўлиши мумкин» дедим бир кун болаларга. Хоҳловчилар кўп бўлди. Тайёргарликни бошладик. Айниқса гуруҳимизга «Қизил деҳқон» маҳалласи болалари фаол қатнашдилар. Дастлабки спектаклимиз «Шарқ бозори» деб номланди. Бир-икки марта муваффақият қозонгач, таниқли санъаткорлар Бернора Қориева, Наби Раҳимов ҳамда бир қанча режисёрларни таклиф этдик. Болалар қўшиқ ва рақслар, халқ ашулаларини маҳорат билан ижро этишди. Улар ишимизга яхши баҳо беришди.

— Мана сиз, «Туркистон» саройи бош режисёри-сиз. У ерда болаларга бағишланган қандай тадбирлар ўтказилди?

— Сарой директори, истеъдодли санъаткор Фарух Зокировнинг ёрдами билан бу ерда болалар учун тез-тез концертлар бериб турилади. Утган йилнинг 29 декабрида ўтказилган «Президент арчаси» тадбири, сўнгги кўнғироққа бағишланган «Хайр, синфдошим»

деб аталган концерт шулар жумласидандир. Унда йигирмага яқин ёш истеъдодлар иштирок этдилар. Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўнига атаб ўтказилган хайрия концерти ҳам ниҳоятда қизиқарли ва таъсирли бўлди. Унда «Болалар», «Томоша» гуруҳлари иштирок этишди. Кўп болали оилалар томошаларга бепул қўйилди. Булардан ташқари ҳар бир байрамга ва болалар учун атаб қизиқарли дастур тайёрланади.

— Истеъдодли болаларни қандай танлайсиз?

— Истеъдодсиз боланинг ўзи йўқ. Санъатга хоҳиш-истаги бор болаларни гуруҳга олавераман. Бир болада чиройли нутқ бўлса, бошқасида яхши рақсга тушиб санъати кучли, яна бири халқ терма ва лапарларини қотириб ташлайди. Ҳозир гуруҳимизда 30 нафар ёш истеъдод бор. Улар 4 ёшдан 15-16 ёшгача. Ҳаммаси ажойиб кичкинтой ва усмирлар. Ундан катта болалар эса турли санъат олийгоҳларида маҳорат ва билимларини оширишяпти. — Устозлари: «сизнинг болаларингиз» дейишди мени кўришганда алоҳида меҳр билан. Даврон Ҳошимов, Наби Аҳмедов, Равшан Даминов ана шунақа шогирдларимдан.

— 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўнига ҳам ҳозирлик кўргандирсизлар?

— Тўйга қуруқ бормаслик шарқона, қолаверса, ўзбекона урф. Бу байрамга атаб «Туркистон» саройида концерт берамиз.


Утган йили Мустақиллик кўнида телевидение орқали катта байрам концерти бергандик. «Туркистон» саройида «Маҳалла» фонди ҳомийлигида кўп болали оилалар учун хайрия концерти ҳам ўтказгандик. Бу йил ҳам тайёргарлигимиз яхши бўляпти. Янги қўшиқлар, рақслар гулдастаси ҳозирлаб ижро этдик. Утган йили телевидениега тайёрланган «Томоша ахбороти» миз барчада қизиқиш уйғотган эди. Уни менинг ижодкорларим олиб боришганди, бу йил ҳам шунга ўхшаш қизиқарли курсатув тайёрланга ҳаракат қиламиз.

— Саволларимизга жавоб берганингиз учун ташаккур.

«Томоша» фольклор театр - студияси бадий раҳбари Нодира ҚУРБОНОВА билан мухбиримиз Т. АҲМЕДОВА сўхбатлашди.



Ёш раққосалар



РОДОС ОРОЛИДАГИ БАҲАЙБАТ ҲАЙКАЛ

Муъжизалардан яна бири Куёш худоси Гелиос шарафига Родос оролида ўрнатилган муаззам ҳайкал — КОЛОССДИР. Қадимги юнонлар одам бўйидан анча баланд бўлган ҳайкалларни «Колосс» деб аташган. Родосликлар иншоотни уша ернинг фуқароси, буюк ҳайкалтарош Лисиппнинг иқтидорли шогирди Харесга топширишади. У санъатда устозидан ҳам ўзиб кетади. Тенгсиз иншоот бунёд этилиши учун 12 йил вақт сарфланди. Унинг довури бутун юнон оламига тарқалди. Бу ерга келган савдогарлар 35 метрлик келадиган баҳайбат санъат асари тўғрисида оғизларини тўлдириб гапиришарди. Бронзадан тикланган ҳайкал 56 йил савлат тукиб турди. 220-йили юз берган zilzila оролни вайрон қилди.

Бироқ мазкур обиданинг ҳатто ерда ётган синиқлари ҳам кўпчилиكنинг диққати-

ни тортган. Бу синиқлар минг йилдан зиёд ерда қолиб кетди. 977 йили Родосни истило қилган араблар ҳайкал синиқларини сотишган. Сотиб олган савдогар уларни 900 туяга юклаб олиб кетган экан. Шу тариқа Колосс ҳайкалининг изи йўқolib кетган

ИСКАНДАР МАЁФИ

Нил дарёсининг қуйилиш жойидаги Искандария шаҳри мисрликларнинг Ракотис ша-

ҳарчаси урнида бунёд этилган. Искандария курфази бутун мамлакатнинг энг гавжум ва аҳолиси кўп шаҳри бўлганлиги учун анча ноқулай эди. Нил дарёси бу ерда ниҳоятда саёз бўлиб, дарёнинг қуйилиш жойидаги чуқиндилар бир неча аср мобайнида Миср қирғоқларини Фарос оролига яқинлаштириб қўйганди. Денгиз тубидаги бу чуқинди қатламлар туфайли кемаларнинг Искандария гаванларига (кемалар тўхташ жойи) кириши қийинлашиб қолганди.

Кемаларнинг Искандарияга ҳавф-хатарсиз кириш учун Фарос оролининг шарқий томонига йўл курсатувчи маёқ қўйишга қарор қилинган эди. Бу иш машҳур меъмор Сострат Книдскийга топширилди. У ўз ишига иштиёқ билан берилиб эрамиздан 280 йилда баландлиги 120 метр чамасидаги уч қаватли минорани қуриб битказди. Пастки қавати, ҳар томони тенг тўғри бурчак шаклга эга бўлиб, ҳар қайси деворнинг узунлиги тахминан 30,5 метрга тенг эди. Биринчи қават йирик оҳақтош плиталардан қурилиб, тўрт томони дуненинг тўрт та-

ОЛАМНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

рафига қараган эди. Иккинчи қават эса саккиз қиррали минора бўлиб, чиройли мрамор плиталар билан пардозланган эди. Фонарь ўрнатилган учинчи қават юмалоқ шаклда бўлиб, энг устки қават гумбаз, унинг устида денгиз худоси Посейдоннинг

Бу ажойиб минора XIV асргача ўз куркини йўқотмай турган, сўнг харобага айланиб, баландлиги 30 метрча келадиган қисми сақланиб қолган. Пойдевори қолдиқлари ҳозир ҳам бор. Бу минора қарийб ўн беш аср савлат тукиб турган.

ндлиги 20 метрга етарди. Улкан залнинг охирида тахту равонда утирган Зевснинг боши нақ шифтга тегиб турарди, белигача яланғоч тасвирланган, ёғочдан ишланган. Баданини фил суягидан ишланган пуштиранг пластина епиб турибди. Кийими олтин баргдан ишланган, ун қулида — галабалар, ютуқлар маъбудаси Никининг олтиндан ишланган ҳайкалчаси, бошқа қули эса баланд асога таянган ҳолда тасвирланган.

Энди Зевс утирган тахтни тасвирлаш қолди. У турли худоларнинг фил суягидан бұртма ҳолда ва олтиндан ишланган ҳайкалчалар билан безатилган. Тахту равоннинг ён томони ҳайкалтарошнинг қариндоши ва ёрдамчиси рассом Панэн томонидан безатилганди.

Византиялик императорлар олдини бунодир санъат асарига маҳлие бўлиб юришди. Бироқ християн дини пешволарини ранжитган ва гайридинлар маъбудага сажда қилишдек уларнинг бу ҳатти ҳаракатлари худого хуш келмади ва ниҳоятда қаттиқ жазолади. Милоднинг V асрида император Федосий II нинг саройига ўт кетади. Улкан ҳайкалнинг ёғоч қисми бутунлай кулга айланади. Фидий яратган дурдонадан фақат қумирга айланган суяк пластинкалар-у, эриган олтиннинг ялтироқ булаклари қолади, холос.

ЗЕВС ҲАЙКАЛИ

Оламнинг етти муъжизасидан фақатгина биттаси — Зевс ҳайкали дуненинг Европа қисмида жойлашган. Олимпия уйинларига бевосита алоқадор Зевс ҳақида шундай афсона бор. Унинг отаси қонхур Крон ўз болаларини катта бўлишга қўймай тириклай ютаверар экан. Чунки улгайишганда тахтимни олиб қўйишмасин, деб қўрқар экан-да. Шунда Зевснинг онаси Рея эрига боласи урнига катта тош булагини тутқазади, Крон уни ютиб юборади.

Зевс катта бўлгач, отасини енғади. Жоҳил замон, жоҳил одатлар! Олимпия уйинлари, аслида мана шу галаба шарафига жорий этилган эди ва уйинлар бошланишидан олдин Зевс йулига қурбонлик қилиш расм бўлган эди.

Буюк ҳайкалтарош Фидий ижоди бўлмиш Зевс ҳайкали ибодатхона ичида жойлашган бўлиб, узунлиги 64, эни 28 метр, хонанинг узини ички бала-

бронзадан ишланган 7 метрлик ҳайкали турарди.

Гумбаз қисмида минора машъали ёниб, нури металл ойналарда акс этиши натижа-сида янада ўткирлашар ва денгизчиларга узоқдан равшан қуриниб турарди. Ёқилги жуда қулай зинапоялардан олиб чиқиларди. Минора айни пайтда қалъа ҳам эди. Қамал пайтларида сувсиз қолмаслик учун миноранинг ер ости қисмига улкан идиш қурилганди. Бундан ташқари бу ер кузатиш нуқтаси ҳам эди.

Меъмор Сострат ўз номини абадийлаштириш учун мрамор деворга «Мен книдлик Дексифанинг ўғли Сострат, бу минорани денгизчилар манфаатини кузлаб, уларни ўз паноҳида сақловчи худоларга бағишладим» деб ёзганди. Кейин ўз исми битилган ёзувни юпқа сувоқ билан беркитиб, устига қайтадан подшо Птоломей Сотер исми-ни ёзиб қўяди. Замонлар утиши билан ёзув устидаги юпқа сувоқ тушиб, остидаги ном қолади.

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ
НИНГ
ТОТЛИ
МЕВАЛАРИ**

**ФИРДАВС
ҚИЛГАН ОРЗУ**

1987 йил. Тун яримдан оққан. Самарқанд шаҳридаги 16-полиграфия ўқув юрти директор муовини Фирдавс Абдуҳолиқов хонасида чиқок учмаган. Ёш муаллимга турли-туман ҳаёлар тинчлик бермасди. «Қани энди Самарқандимнинг ҳам ўз ойнаи жаҳони бўлса, унда қадимий ва азиз шаҳрим тарихи, ажойиб, меҳнаткаш инсонлари тўғрисида туркум курсатувлар тайёрласам» орзуларди кўзларини юмганча. «Бўлди, эртага ўзимнинг ҳамфикрларим билан бирга шаҳар катталари ҳузурига бораман».

Эртасига у айтганини қилди. Йўқ, унинг ниятлари дарров амалга ошмади. Лекин Фирдавс ҳаракатдан чекинмади.

Орадан уч йил ўтди. Энди у вилоят ёшлар Иттифоқида ишларди. Бу ерда ёшлар координация марказини тузди. Ташкилотнинг асосий вазифаси — телевидение ташкил этишни режалаштириш эди. Гоёни вилоят ёшларининг навбатдаги конференцияси ҳам маъқуллади. Буни республика собиқ комсомолнинг ушш пайтдаги раҳбари Азиз Носиров чин дилдан қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг ёшлар қўлларида маблағ, қонуний ҳужжатлар билан ишга киришди. Ишбилармонлик билан топишган маблағ ҳисобидан видео ва аудио ускуналар сотиб олинди. Шу қаторда ташкил этилган студия узининг дастлабки курсатувларини суратга ола бошлади...

Дастлабки пайтлар ТКС («Самарқанд») телекомпанияси ижодкорлари вилоят ёшлар Иттифоқи қўмитасидан ажратилган иккита хонада фаолият курсата бошлади: 1991 йилнинг

САМАРҚАНД Ойнаи Жаҳони

Ўз юртинг, ўз халқингни севасанми, унинг қорига ярашинг керак. Оз бўлсада унга фойданг тегишига ақлинг етадими, фурсатни бой берма, отни қамчила, ҳаракатингни бошла!

Хусусий фирмалару фермалар, устахоналар, дўкону дорихоналар... Ва ниҳоят биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Самарқанд ойнаи жаҳони ҳам мустақиллигимизнинг энг ширин меvasи сифатида дунёга келди.

Бугундан бошлаб биз Истиқлолимизнинг муборак 5 йиллик тўйига бағишлаб унинг тенгдошлари ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

мартда, яъни Навруз байрами тантаналари илк бор эфирга чиқди. Лекин бу чиқиш шаҳар тарихида тажриба сифатидагина қолиб кетди.

Фақатгина 1991 йилнинг 15 майи — курсатувлар мунтазам берила бошлаган кун Самарқанд телевидениеси туғилган кун бўлиб қолди.

АМЕРИКАГА БИРИНЧИ БЎЛИБ...

Рақобат яхши нарса-да. Ижодкорнинг бор имкониятлари унда намоён бўлади. Худди уша пайтда қизиқ бўлди. Шаҳар ижроия қўмитаси ҳузурда «Самтелепресс» деб номланган иккинчи — рақобатчи студия ҳам ишлай бошлади. ТКСчилар энди узларини янги шароитда ишлаш ва меҳнат қилишга ўргатдилар. Унча яхши бўлмаган Курчатов кучасидаги ертўлага кучса-да, студия шароити фаолиятларини янада кучайтирган ижодкорлар Самарқанд вилояти ва шаҳрининг жўшқин лаҳзаларини узида акс эттирувчи репортажлар, ҳужжатли фильмларни ярата бошладилар. Эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг ҳар бир куни, ривожланиш паллалари тасвирларда акс эта бошлади.

1992 йил. Шаҳардаги икки телевидение бирлаштирилди ва «Самарқанд телевидениеси» СТВ деган умумий ном билан юритила бошлади. Бақувватлаша бошлаган ойнаи жаҳоннинг ишбилармон ходимлари энди нафақат минтақа, балки қўшни ҳудудлар, республика ташқарисига ҳам ижо-

дий сафарлар уюштира бошладилар. Россия, Сурия, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистонда, икки марта АҚШ сафарида бўлдилар. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, самарқандликлар мустақил Ўзбекистон вакиллари сафида Америкага борган биринчи тележурналистлар эди. «Биз билмаган Америка» фильми АҚШнинг Вашингтондаги информация агентлигининг штаб квартирасидан ижобий баҳо олинди.

СТВ телекомпанияси мана бир неча йилдирки ЮСИА ахборот агентлиги, жаҳондаги энг йирик «Интерньюс» агентлиги билан ҳам ҳамкорлик қилади.

Айни кўнларда Самарқанд телевидениеси 150 нафар тележурналистни бирлаштирган. Улардан Ф. Абдуҳолиқов, М. Хужаева, Б. Шаропов, Б. Қўдратов, А. Умидов, С. Омонова ва бошқаларни фахр билан тилга олиш мумкин. Курсатувлар уч каналда олиб борилмоқда. Иқтидорли ёшлар учун телевидение эшиклари доим очик, фаолиятлари учун шароитлар яратилмоқда. Жамоа ҳеч қачон она диёрда нишонланаётган шодийна ва тантаналардан четда қолган эмас. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм, кўҳна Самарқанднинг 2500 йиллигига бағишланган курсатувлар суратга олинмоқда.

Самарқанд телекомпанияси ижодкорларининг режалари улкан, мақсадлари аниқ. У ҳам бўлса мустақил Ўзбе-

кистонимиз равнақи йўлида хизмат қилиш.

«ОЛДИНГИ САФДАСИЗ»

Президентимиз Ислам Каримов ҳар гал бу ерга ташриф буюрганида албатта Самарқанд телевидениеси орқали ўз фикр-мулоҳазалари билан уртоқлашади. «Олдинги сафдасиз», — деган эди юртбошимиз СТВ телекомпанияси журналистларига берган бир интервьюсида, — «Яхши ният ҳаммага куч бағишлайди. Кимки қайси соҳада меҳнат қилмасин, қайси вазифада ишласин, қўраётган жамиятимизнинг пойдеворига ҳамда шу орқали обод ва озод ватанимиз келажагига ўз ҳиссасини қўшсин.


Вақт утади, замон ва йиллар утади — инсон ортига қараб қилган меҳнатининг ҳосиласидан мамнун бўлади. Шу маънода Самарқанд вилояти, шаҳри жамоатчилиги Сиз тележурналистларнинг машаққатли меҳнатларингизни, Сизнинг келажаги буюк давлат қурилишида олдинги сафларда бораётганлигингизни тушунади ва тан олади.

Самарқанд телевидениесининг 5 йиллиги билан самимий қўтлайман.

Матбуот, телевидение эркин бўлса, халқимиз шу воситалар орқали ҳаётимиздаги қувонч - ташвишлар, муаммолар моҳияти билан танишса, келажагимиз янада фаровонроқ ва тўқисроқ бўлади. Бу борада меҳнатингиз керак экани барчага аён. Қўлаётган ишларингиз ўз самарасини беришига ишончим комил».

Мустақиллигимизнинг 5 йиллик муборак тўйи арафасида ўзининг 5 ёшини нишонлаётган Самарқанд ойнаи жаҳони ижодкорлари биз — келажак эгаларига ҳам бефарқ эмас... Шунинг учун «Тонг юлдузи» редакцияси ижодий ходимлари ҳамкасблар ижодига равнақ талайди.

Т.СОЛИЕВА.



Ёз ойлари ҳақида гап кетганда «Болаларнинг қувноқ ёзи», «Ўқувчиларнинг таътил кўнлари» дея таъриф берамиз. Лекин барчамиз интизор кутган ёзги таътил муаллимларимизнинг ҳам таътил кўнлари эканлиги ҳақида доим ҳам ўйлайвермаймиз. Ахир устозларимиз йил давомида биздан ҳам кўпроқ чарчашади-ку, тугрими?! Шундай экан, улар ҳам уй-рузгор юмушлари, қурилиш-таъмирлаш ишлари, мол-ҳол, бола-чақа ташвишларидан ортиб, бироз бўлсада хордиқ чиқаришлари, саломатликларини тиклаб, янги ўқув йилига янги бир куч-гайрат билан келишлари лозим.

Хўш, қизилтепалик муаллимларимиз бу йилги таътилда қандай дам олишмоқчи?

Малоҳат МАНСУРОВА, математика фани ўқитувчиси:

— 25 йиллик ўқитувчилик фаолиятим даврида ҳар йили меҳнат таътилига чиққанымда узоқ-яқиндаги қариндош-уруғларимизникига, ёру-дўстларимизникига борардим. Бу йил эса, ўзингиздан қолар гап йўқ, йўлқиралар қимматлашган. қолаверса, оила ташвиши...

Мен учун ёзги таътил энг қўлай фурсат. Қўллаб адабиётлар ўқийман. Газета ва журналлар мўғолаа қилиш жону дилим. Шунингдек, бу давр билимларимизни янада бойитиб, янги-янги услуб ва қўлланмалар устида изланишларимиз учун ҳам айни мўлдо.

Шоира БОБОМУРОВА, биология фани ўқитувчиси:

— Қишлоқ аёлининг дам олишини биласиз-ку... Шароитлар етарли. Сулим оромгоҳ-

га саёҳат қилганман. Лекин дам олиш масканларида бўлмаганман. Менимча, ҳар бир туманда ўқитувчилар учун дам олиш масканларини ташкил этиш лозим. Мана, айрим муаллимларимизнинг ёзги таътил режалари билан танишдик. Қани, эшитайлик-чи, бу хусусда Қизилтепа тумани халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар ака Халиловнинг фикрлари қандай экан?

— «Ма-роқли дам, меҳнатга ҳамдам» деб бежиз айтилмаган. Шундай экан, таътилга чиқаётган

Қандай дам оласиз, МУАЛЛИМ

ларга йўланмалар берилади. Моддий ёрдам ҳам ажратилади. Касбдошларимнинг кўпчилиги имкон қадар бундай масканларда дам олиб қайтишган. Лекин менда ҳали бундай имконият туғилмаган.

Шаҳодат СУЛТОНОВА, ўсмирлар етакчиси:

— Қўшгина жойларга, масалан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нурота каби шаҳарлар-

ҳар бир урта мактаб ўқитувчисининг мароқли хордиқ чиқаришлари учун қайғуриш — бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Бу борада қатор режалар ҳам тузиб қўйганмиз. «Турон», «Моҳи хосса», «Замин», «Чортоқ», «Кумушкон» каби дам олиш масканларимиз ўқитувчиларга мунтазир. У ерларда дам олишгина қолмай, саломатликларини ҳам тиклаб

қайтишади. Санаторий-профилакторийда 15 нафар муаллим ҳам дам олиш, ҳам даволаниш имкониятига эгалар. Йўланмалар нархи бироз қимматроқ. Лекин улар нархининг 80 фоизи касаба уюшмамиз томонидан туланади. Ватан уруши фахрийлари учун эса bepул йўланмалар ажратилади. Шунингдек ўқитувчиларимизнинг фарзандлари учун ҳам етарли шарт-шароитлар яратилган. Туманимиз марказида 2 та дам олиш майдончаси ташкил этилган бўлиб, ёз давомида 3 мавсумда ўқитувчиларнинг болалари хордиқ чиқаришади.

Хуллас, ёзга тайёргарлик хусусида гап кўп. Аммо талаб-янада кўпроқ. Афсуски, дам олишга, даволанишга, саёҳат қилишга иштиёқманд муаллимларимиз талаб ва истаклари тула қондирилаётгани йўқ. Ёнг ачинарли томони шундаки, меҳнат таътилига чиққан қишлоқ ўқитувчиларининг тақдири айрим раҳбарлар, жамоа ташкилотчиларининг эътиборидан четда қоляпти. Уйлашимизча, бу ўта муҳим — муаллимларнинг дам олишлари масаласи ҳақида айни кўнларда эмас, анча илгарироқ бош қотирилса, амалий режа ва дастурлар тузилса, айни мўлдоо бўларди.

Қаҳрамон ЖАМОЛОВ,
Навоий вилояти, Қизилтепа тумани.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора Йўлдошева,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0257. 7691 нусхада босилди. Қўғоз бичими — А-3. Босишга топишириш вақти 19.00. Топирилди — 18.30.

• Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

